

(синтаксические), но и цельноформленные словосочетания образуются так называемой изафетной связью. Собранные нами материалы показывают, что педагогические термины каракалпакского языка образуются всеми тремя видами изафета. Они следующие: а) оба компонента употребляются без аффиксов, связь между ними осуществляется только через порядок слов и соединительной интонацией: эксперимент методы (методический эксперимент), класс журналы (классный журнал), мектеп-интернат (школа – интернат), мектеп жәмәәти (коллектив школы), семинар – тренинг (семинар – тренинг), мектеп инспекторы (школьный инспектор), интернет технология (технология интернета), магнит тахта (магнитная доска), улыўма педагогика (общая педагогика).

б) второй тип изафета: первый компонент без аффикса, а второй оформлен аффиксом принадлежности 3-лица: мектеп педагогикасы (школьная педагогика), сабақ анализ (анализ урока), пән дөгергеи (кружковая работа), сүүрет дәптер (тетрадь для рисования), кәнигелескен мектеп (специализированная школа), орта мектеп (средняя школа), аўызеки метод (устный метод),

ашық тест (открытый тест), үзликсиз тәлим (непрерывное образование), миллий педагогика (национальная педагогика), көргизбе курал (наглядное пособие), шеберлик бахалаў (четвертная оценка), шеберлик мектеби (школа мастерства), педагогикалық жүклем (педагогические нагрузки), методикалық план (методические планы), техникалық курал (технические орудия), интерактив усыл (интерактивный метод), жаңа әўлад (новое поколение),

в) третий тип изафета: первый компонент в родительном падеже, а второй оформлен аффиксом принадлежности 3-лица: билимнің сыпаты (качество обучения), оқыўдың түрлери (виды предметов уроков), мектепнің китапханасы (школьная библиотека), мектепнің асханасы (школьная столовая), класстың журналы (классный журнал), сабақтың анализ (анализ уроков), мектепнің оқыўшылары (школьники), сабақтың түрлери (виды уроков), технологияның түрлери (виды технологии), методтың түрлери (виды методики), муғаллимнің китабы (книга учителя преподавателя), оқыўшының баҳасы (оценка ученика), муғаллимнің пикири (мнение учителя) и др.

Литература

1. Баскаков Н.А. Каракалпакский язык, ч. II (фонетика и морфология), ч. I (части речи и словообразование). – М., 1952.
2. Қдырбаев А. Хәзирги каракалпак тилиндеги атлык сөзлер. – Нөкис: 1961, -С.13.
3. Хәзирги каракалпак тили, ч. I (морфология). – Нөкис” 1974, с.17.
4. Бекбергенов А. Каракалпак тилиндеги тийкаргы сөз жасаў усыллары. – (Вестник Каракалпакского филиала АН УзССР), 1979, №1, -С.68-73.
5. Нажимов А. Жуп сөзлер. – Нөкис, 1979, -С. 5-12.
6. Хәзирги каракалпак тили (морфология). – Нөкис, 1981, -С.18-32.
7. Севортян Э.В. Аффиксы именного словообразования в азербайджанском языке. – М., 1966, -С.84.
8. Севортян Э.В. указ. соч., 125.
9. Усманов С. Метафора. – Ўзбек тили ва адабиёти, 1964, №4, -С.39.
10. Бекбергенов А. Каракалпак тилиндеги сөзлердин жасалыўы, -С.5.

РЕЗЮМЕ. Каракалпак тилининг алоҳида лексика таркиби хамиша тадқиқотчилар назарида. Махсус лексика энг муҳим ролини илмда намойиш этади, бу эрда унинг қўлланилиши ҳар қандай қийинчилик даражасидаги илмий маълумотларни аниқ узатиш имконини беради. Махсус оғзаки бирликлар орасида этакчи ўринлардан бири терминологияга тегишли. Кўп ўн йилликлар давомида каракалпак тилишунослигида атама назарияси ва алоҳида атама тизимларининг турли муаммолари жадал ишлаб чиқилган. Ушбу мақолада педагогик каракалпак терминологиясининг шаклланиши ва ўрганилишини кўриб чиқамиз.

РЕЗЮМЕ. Отдельная лексика каракалпакского языка все время расположена в поле зрения исследователей. Особую роль специальная лексика играет в языке науки, где ее применение позволяет наиболее точно передавать научную информацию любой степени трудности. В числе специальных словесных единиц одно из ведущих мест принадлежит терминологии. В течение многих десятилетий в отечественной лингвистике интенсивно разрабатывались различные проблемы теории термина и специальных терминосистем. В этой рубрике рассмотрим исследование формирования и изучении педагогической каракалпакской терминологии.

SUMMARY: A separate lexic of the Karakalpak language is always in the field of the view of researcher. Special lexic plays the most important role in science, where its use allows the most accurate transmission of scientific information of any degree of difficulty. Among the special verbal units one of the leading places belongs to terminology. For many decades, various problems of the theory of the term and special term systems have been intensively developed in Karakalpak linguistics. In this article, we will consider the study of the formation and learning of pedagogical Karakalpak terminology.

UDK (УЎК,УДК): 80. 801. 3310

ТИЛШУНОСЛИКДА СЎЗ БИРИКМАСИНИНГ МОҲИЯТИ ҲАҚИДАГИ МУНОЗАРАЛАР

М.Х.Бобоева – докторант

Мирзо Улугбек номида Ўзбекистон миллий университети

Таянч сўзлар: сўз бирикмаси, синтаксис, тизим, тилшунослик, лисоний бирлик.

Ключевые слова: словосочетание, синтаксис, система, языкознание, языковая единица.

Key words: word-combination (phrase), syntax, system, linguistics, linguistic unit.

Кириш. Сўз бирикмалари назарияси шаклланишининг тарихи узок ўтмишга бориб тақалади. Аммо алоҳида лисоний тизим сифатида сўз бирикмасини ўрганишга доир қизиқишлар XX асрнинг ўрталарига келиб кучайди ва ушбу тизим бирлигини сўз ҳосил қилувчи морфосинтактик, синтагматик, семантик омилларни тавсифлаш ва сўз бирикмаларининг бошқа лисоний бирликлардан фарқлаш ҳамда таснифлаш борасида қатор изланишлар олиб борилди. Изланишлар натижасида эришилган хулосалар сўз бирикмаси тизими ҳақидаги таълимотнинг назарий тус олишига туртки берди. Сўз бирикмаларининг ҳосил бўлиш микдори чегараланмаган ва улар алоҳида бир тизимни ташкил қилади, бу тизимга тузилиши, таркиби ва қисмларининг муносабати ҳар хил бўлган бирликлар жамланади. Шу тизимнинг тадқиқи жараёнида дуч

келинаётган қийинчиликлар, энг аввало, умумназарий характерга эга ва бу сўз бирикмаси ходисаси назариясининг тугал шаклланиб улгурмаганлиги ушбу жараённинг давом этаётганлигидан далолат беради. Дарҳақиқат, сўз бирикмалари назариясининг шаклланиши узок тарихга эга, зеро, нутқий тузилмалар таркибида сўзларнинг ўзаро бирикиши, уларнинг мазмун жиҳатидан мослашуви масалалари Ғарб ва Шарқ тилшуносларини ҳар доим қизиқтириб келган. Шу соҳага оид тадқиқотларда Ф.Ф.Фортунатов, А.А.Шахматов, А.М.Пешковский каби рус синтаксистлари ва О.Бехәгел, Ҳ.Суит, О.Есперсен сингари немис ҳамда инглиз олимларининг номларини эслатиб ўтиш муҳим ҳисобланади [13; 1; 3; 8].

Синтаксис юнонча *Syntaxis* сўзидан олинган бўлиб, яшаш, тартиб каби маъноларга эга ҳамда нутқдаги

сўздан кўра каттароқ бўлган бирликлар ҳақидаги грамматик таълимот ҳисобланади. Синтаксис деганда яна грамматиканинг нутқ ҳосил бўлиш жараёнларини ўрганадиган алоҳида бўлими ҳам тушунилади, бу бўлим гап ичидаги сўзларнинг ўзаро бирикуви ва кетма-кетлик тартиби, шунингдек, тилининг автоном бирлиги ҳисобланмиш гап ва матн қисмини ташкил этадиган жумлаларнинг умумий хусусиятларини ўрганади. “Синтаксис” атамаси биринчи марта стоиклар (милoddан аввалги III аср) томонидан қўлланилган ва бу тушунча гапларнинг мантикий мазмуни бўйича кузатувлар билан боғлиқ эди. Бироқ, синтаксиснинг категорияларига қизиқиш юнон мутафаккирларида бундан ҳам илгарироқ мавжуд бўлган ва улар нутқни мантикий таҳлил қилиш билан боғлиқ эканлигини ушбу тушунча орқали кўрсатишга ҳаракат қилганлар. Қадимги файласуфларнинг (Протагор, Афлотун, Арасту ва бошқалар, кейинчалик - стоиклар) диққат марказида “*логос*” - нутқ, жумла, гап, тўлиқ матн билан бўлинмас ҳолда боғлиқ бўлган тушунча сифатида ўрин олган эди [4].

Аполлоний Дисколнинг (III аср) асарларидаги қайдлар синтактик таҳлил тамойилларидаги бурилиш нуктаси бўлиб қолди. Аполлоний Дискол синтаксиси морфологик асосга эга эди. Унинг бошланғич нуктаси сўз эди. Синтаксис гапдаги сўзларнинг муносабатлари, сўз шакллари (келишиклари)ни тасвирлашдан иборат эди. Бу сўз туркумлари синтаксиснинг бошланиш даври эди. Бундан келиб чиқадики, синтаксисни ўрганиш тарихи ҳам кўп асрлик анъанага эга ва шунга қарамай, тилшунослик фанининг ушбу бўлимининг предмети ва шунга мос равишда чегаралари масаласи ханузгача долзарб бўлиб қолмоқда, сабаби, тилшунослар ўртасида синтаксис предметини грамматиканинг алоҳида бўлими сифатида тушунишда ҳаификрлик йўқ. Гап нафақат синтактик ҳодисаларга фундаментал ёндашишдаги фарқлар, “анъанавий” синтаксис вакиллари ва тил назариясидаги айрим янги йўналишлар ўртасида мавжуд бўлган фарқлар ҳақида бормоқда. Ҳатто ўзини “анъанавий” синтаксис вакиллари деб ҳисоблайдиган олимлар ҳам кўпинча синтаксисни бир бутун сифатида талқин қиладилар ва гап, сўз бирикмаси, гап бўлаклари ва бошқаларни синтактик категориялар сифатида таърифлаш тарафдорларидир.

XX аср тилшунослигида синтаксис предметига нисбатан учта нуктаи назарни ажратиб кўрсатиш мумкин. Баъзи тадқиқотчилар синтаксисни сўзларнинг ўзаро бирикиши қоидалари ёки қонуниятларини ўрнатишни асосий вазифаси деб ҳисоблайдиган сўз бирикмалари ҳақидаги таълимотдир деган ғояни олға сурадилар. Гапни эса, сўз бирикмаларининг бир тури, мантикий ёки психологик тафаккур билан боғлиқ бўлган махсус бирлик дея талқин қиладилар. Тадқиқотчиларнинг яна бир гуруҳи синтаксис доирасини гап синтаксис билан чеклайдилар ва сўз бирикмаларини четлаб ўтиб, сўздан тўғридан-тўғри гапга ўтишади. Масалан, синтаксисни гап ва унинг қисмлари ҳақидаги фан деб таъкидлаган Б.Дельбрюк худди шу таълимотнинг асосчиларидан ҳисобланади. Синтаксисга берилган сўнгги таъриф энг кенг тарқалган бўлиб, у синтаксисни сўз бирикмаси назариясини ҳам, гап ҳақидаги таълимотни ҳам ўз ичига олган тилшуносликнинг бир бўлими сифатида талқин қилишдир [2].

Ушбу уч нуктаи назарнинг ҳар бири, албатта, ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга. Сўз бирикмаларига қизиқиш ва уни олдинги ўринга чиқариб қўйиш муайян тилларнинг типологик хусусиятларини яхшироқ тушуниш ва акс эттириш имконини беради. Бироқ, бу ёндашув гапни сўз бирикмасидан ажратиб турадиган бир қатор ўзига хос

хусусиятларини ҳисобга олмайди. Гапни асосий дея эътироф этган тилшунослар эса, тасвирий синтаксис ва тарихий синтаксисни боғлаш, синтактик категорияларни шакллантириш усуллари ошон очиб бериш имкониятига эга бўладилар. Шу билан бирга гапга нисбатан бўрттирилган эътибор сўз бирикмасига зарар етказиши, морфология бирлиги сифатидаги сўз билан синтаксис бирлиги сифатидаги гап ўртасида узилиш ҳосил қилиши ҳолати кузатилади. Шу аснода бир қатор муаммолар юзага келиши мумкин. Муросасозлик асосида қурилган учинчи нуктаи назар ҳар иккала нуктаи назарга хос бўлган афзалликларни ўзида мужассам этган ҳолда, уларга хос бўлган камчиликлардан деярли холи эканлиги билан баъзи устунликларга эга. Аммо синтаксисга нисбатан бу каби муросасозлик ёндашув ҳам, охир-оқибат бир қатор мезонларнинг аралашиб кетишига олиб келади.

В.В.Виноградовнинг сўз бирикмаси назарияси тараққиётига қўшган ҳиссаси алоҳида. Олим томонидан сўзларнинг ягона тузилма таркибида бирикиш қонуниятлари борасида билдирилган фикрлар кўп йиллардан буён турли тиллар кесимида олиб борилаётган изланишларда етакчи ғоя сифатида эътироф этиб келинмоқда, жумладан, ўзбек тили сўз бирикмалари тизими тадқиқи ҳам ушбу таълимот таъсири даражасидан четга чиқмаган [16:15].

Сўз бирикмасини тасвирлаш, унинг шакли, вазифаси ва ҳудудий чегарасини аниқлаш борасидаги барча баҳслар ва мунозаралар худди шу таъриф доирасида олиб борилди. Таърифларнинг айримларига нисбатан баъзан қарама-қарши фикрлар ҳам билдирилди. Айрим олимлар сўз бирикмаси қисмлари ўртасида тобелик муносабати мавжудлигини инкор этишса, бошқалари сўз бирикмаларига номинатив функция хос эмаслигини исботлашга уринишди. Сўз бирикмасининг тил тизимидаги ўрнини аниқлаш билан қизиққанлар лексик ва синтактик сатҳлар орасида алоҳида бир оралик сатҳни қидиришиб, сўз бирикмасини шу сатҳга жойлашга ҳаракат қилдилар. Сўз бирикмалари назариясига оид бундай масалаларнинг узоқ пайдан буён муҳокама қилиниб келинаётганлигининг сабабларидан бири – ушбу ҳодисани унинг атрофидагилардан ажратиб, автоном кўринишдаги структура сифатида ўрганиб келинаётганлиги билан характерланади. Оқибатда, сўз бирикмалари тизимига бўлган қизиқиш лексемаларнинг ўзаро бирикиш қонуниятларини чуқур таҳлил қилишга, уларнинг лексик ва синтактик валентлик хоссаларини аниқлашга, шунингдек, сўз бирикмаси таркибий қисмларининг ўзаро муносабатини батафсил ўрганишга сабаб бўлди. Сўз бирикмаларини нафақат лисоний синтагматика, балки парадигматика нуктаи назаридан ҳам ўрганиш лозимлигини эътироф этиш натижасида, уларни маълум гуруҳларга тақсимлаш имконияти туғилди.

Ушбу баҳс-мунозалар натижасида туғилган сўз бирикмасининг номинатив концепцияси ҳақидаги танқидий мулоҳазалар туфайли замонавий тилшунослар сўз бирикмасининг табиати, унинг синтактик механизмдаги вазифаларини қандай аниқлаш ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлдилар, десак, адашмаган бўламиз. Ю.В.Фоменковнинг мақоласида сўз бирикмасининг табиати ҳақидаги савол асосли ечим топмаганига қарамай, унинг сўз бирикмаси назариясининг бир қатор жиҳатларига қарши қаратилган танқидий мулоҳазалари эътиборга лойиқдир, чунки айнан шу танқидий фикрларга муносабат билдириш истаги бир қатор тилшунос олимларни сўз бирикмаси ҳақида тадқиқот ишлари олиб боришга ундади. Гап қурилишида “қурилиш бирлиги доимо битта бўлади, ва у фақат сўздир” дея Ю.В.Фоменко ўз фикрини бир сўздан иборат “*Алвидо!*”,

“Совуқ.” каби гапларни мисол келтириш орқали исботлашга ҳаракат қилади [17:63]. Худди сўз каби, сўз бирикмалари ҳам гап учун “қурилиш материали” вазифасини ўташи мумкин дея кўпгина олимлар унинг фикрига қарши фикр биолдирадilar: “Сўз бирикмаси сўз шакли билан бир қаторда гапнинг “қурилиш материали”дир, ёки гапнинг кенгайиш даражасидаги тузилма бирлигидир” [11:81].

Вакт ўтиши билан сўз бирикмасининг тилнинг синтактик тизимидаги ўрни ҳақидаги ғоялар ўзгаргани ва “сўз бирикмаси” тушунчасининг ўзи ҳам ўзгарганига қарамай, “энг асосий ва муҳим нарсасакланиб қолди: сўзлар нутқда (гапда) маълум бир тарзда боғланиб, синтактик бирликлар – сўз бирикмаларини ҳосил қилади. Ва бу борада бизнинг тилшунослик, афтидан, адашмаган: сўз бирикмаларининг мавжудлигига шубҳа қилиш учун ҳеч қандай асос йўқ” [12:120-129].

Туркий тилшуносликда сўз бирикмалари назарияси муаммоси деганда “... мустақил сўз туркумларига мансуб икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг бирикишидан ҳосил бўлган, яхлит, қисмларга ажратилмаган тушунча ёки тасаввурни ифодалайдиган грамматик бирликлар тушунилади” [7:13].

Туркий тилларда сўз бирикмаси гаплар тузишда асосий қурилиш материалидир. Шу билан бирга, сўз бирикмаси гапдан сезиларли даражада фарқ қилади, гапларда предикатив устунлик қилади, сўз бирикмасида эса бундай лингвистик категория мавжуд эмас. Сўз бирикмаси, гап билан бир қаторда, туркий тилларнинг қиёсий грамматикасида тил синтактик тузилишининг икки бирлигидан бири сифатида тан олинган. Грамматиканинг алоҳида бўлими ҳисобланган синтаксиснинг предмети сўзларнинг ўзаро бирикши усулларини ўрганишидир. Туркий халқлар тилшунослигида сўз бирикмаси назарияси муаммосига таъриф бериш рус-герман тилшунослигининг умумий контексти сатҳида шаклланган. Туркий тиллардаги сўз бирикмаси “ҳоким аъзо+тобе аъзо” тамойили асосида тузилган бўлиб, кенг маънода бу аслида “таъриф”дир. Сўз бирикмасининг ушбу грамматик доминант ва грамматик жиҳатдан тобе аъзолари ўртасида турли хил муносабатлар ўрнатилади, жумладан, ушбу тобеллик бошқарув, мослашув ёки битишув муносабати сифатида белгиланиши мумкин. Таркибидаги компонентлар сони ва муносабатига кўра сўз бирикмалари одатда содда ва мураккаб турларга бўлинади. Икки мустақил сўздан ташкил топган сўз бирикмаси содда, уч ёки ундан ортиқ аъзони ўз ичига олган бирикма эса мураккаб деб аталади. Масалан, *катта шаҳар, чиройли қиз, китобни ўқимоқ* каби бирикмалар содда сўз бирикмаларига, *эрта келган турналар, жилдираб оқаётган тиниқ сув, оломон орасида йўқолиб қолган бола* каби бирикмалар мураккаб сўз бирикмаларига мисол бўла олади.

Грамматик жиҳатдан ҳоким аъзонинг қайси сўз туркумига мансублигига кўра туркий тиллардаги сўз бирикмалари икки катта гуруҳга бўлинади - номинал ва вербал. Сўз бирикмаларининг кейинги бўлиниши лексик ва грамматик хусусиятларига ва тобе компонентларнинг грамматик тузилишига кўра амалга оширилади. Номинал сўз бирикмалари ўзларининг синтактик таркибий қисмлари жиҳатидан одатда атрибутив сўз бирикмалари вазифасини бажаради. Бундай атрибутив-номинал сўз бирикмалари ҳоким ва тобе аъзонинг қайси сўз туркумига мансублигига қараб таснифланади. Ушбу мезонга мувофиқ, ушбу гуруҳдаги сўз бирикмаларининг қуйидаги турлари ажратилади:

Адабиётлар

1. Behagel O. Die Deutsche Sprache. –Halle, 1954. –P.228.
2. Delbrück B. Сравнительный синтаксис индоевропейских языков / Vergleichende Syntax der indogermanischen Sprachen. 3 Bände. Trübner, Straßburg (1893), 1900.
3. Sweet H. New English Grammar. Logical and Historical. – Oxford: Clarendon Press, 2007. –P. 510.
4. Аристотель. Поэтика. М.: Изд-во "Соцэкгиз", 1927. – С. 183.
5. Васильева Н. В., Виноградов В. А., Шахнарович А. М. Краткий словарь лингвистических терминов. -М.: 1995.

а) ҳоким аъзо – от, тобе аъзо – сон: озарбайжон тилида “*беш китаб*” (*беш китоб*), бошқирд тилида “*ос ой*” (*уч уй*), қирғиз тилида “*алты кун*” (*олти кун*);

б) ҳоким аъзо – от; тобе аъзо – оломон: озарбайжон тилида “*менин атым*” (*менинг исмим*), татар тилида “*безнен ел*” (*бизнинг халқимиз*), қирғиз тилида “*сенин уйун*” (*сизнинг уйингиз*);

в) ҳоким аъзо – от, тобе аъзо – сифат: бошқирд тилида “*йыуап нам бейек карагайлар*” (*қалин ва баланд қарагайлар*), “*бийик имарат*” (*баланд бино*);

г) ҳоким аъзо – от, тобе аъзо – сифатдош: татар тилида “*тоткан киж*” (*қорни тўқ одам*), қирғиз тилида “*олтурган қиз*” (*ўтирган қиз*) [7:11].

Сўз бирикмалари одатда ҳоким аъзосининг тобе аъзоларга шундай таъсир қилиши билан тавсифланадики, тобе аъзо ўзининг ҳоким сўзга бўйсунуши белгиси сифатида маълум бир грамматик шаклни олади. Бошқарув сўзлар орасидаги синтактик муносабатларни ифодалаш усули сифатида ишлатилади. Ҳоким аъзо қайси сўз туркуми билан ифодаланганлигига кўра сўз бирикмаларини турларга ажратиш мумкин. Натижада, субстантив (отли), адъектив (сифатли), вербал (феълли), адвербал (равишли) сўз бирикмалари ўзаро фаркланадилар.

Демак, гапдаги сўзлар маъно талабларига кўра ўзаро турли синтактик муносабатларга киришадилар, гапнинг бутунлигини, синтактик жиҳатдан мустақкам, жипслигини таъминлайдиган нарсалар ана шу муносабатлар бўлиб, бир-бири билан синтактик жиҳатдан боғланган, предикативлик муносабатига эга бўлмаган, икки ёки ундан ортиқ мустақил сўзлар қўшилмаси сўз бирикмаси дейилади. Сўз бирикмалари аниқланган маъноларига кўра сўзларга ўхшаш бўлиб, улар сўзлар каби номинатив аташ вазифасига эга, нарсаси ва ҳодисаларни уларнинг хусусияти билан бирга қўшиб атайди ва ҳар қандай матн сатҳида уларни учратиш мумкин:

- *Қалин дарахтларга бурканган катта ҳовлининг этак тарафида янгигина шувовдан чиққан уй-дахлиз, олди айвон. Ҳовли ўртасида атрофидан ариқ айланиб ўтадиган суна. Ариқ бўйларида райхонлар қулф уриб яшнаб турипти. Суви қочиб қоқса айлана бошлаган сухан ўрик таги билан битта бўлиб тўқилган* (С.Аҳмад. 1976: 10).

- *At that time the department store was in its earliest form of successful operation, and there were not many. The first three in the United States, established about 1884, were in Chicago* (Th. Dreiser. 2014: 18).

Хулоса. Ҳозирги ўзбек тили дарсликларида сўз бирикмаларига қуйидагича таъриф берилади: “Бирикма деганда, одатда, икки мустақил лексеманинг ўзаро грамматик ҳамда семантик муносабатга киришуви асосида тузиладиган синтактик бирлик тушунилади. Бунда грамматик жиҳатдан биринчи қисм тобе, иккинчи қисм ҳоким бўлиб, тобе қисм сўз шакл билан, ҳоким қисм эса лексема билан ифодаланади (бундай лексема маълум шакл олган бўлиши мумкин, лекин сўзшакл даражасида грамматик шаклланмайди)” [16: 58].

Нутқда тушунчаларни аниқроқ ва муайянроқ ифодалаш зарурати туғилади: “... сўз ўз маъновий имкониятини тўлароқ ва равшанроқ намоён қилиши учун бошқа бир мустақил сўзга эҳтиёж сезади. Бу сўз унинг маъновий эҳтиёжини қондирмоғи учун ҳам маъновий, ҳам грамматик жиҳатдан унга мувофиқ бўлмоғи лозим” [14:286].

6. Гаджиева Н.З. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. – М.: 1973. – С. 12-20.
7. Есперсен О. Философия грамматики. – Москва: Изд-во иностранной литературы, 1958. –С. 404.
8. Леонтьев А. А. Язык, речь, речевая деятельность. 3-е изд. -М.: 2005.
9. Ломов А. М. Русский синтаксис в алфавитном порядке: Понятийный словарь-справочник. Воронеж, 2004. -317 с.
10. Малащенко В. П., Богачев Ю. П. Словосочетание и члены предложения // Вопросы языкознания. 1984. № 6. С. 81—86.
11. Моисеев А.И. Семантическая структура пространственных предлогов в современном русском языке (опыт сопоставительных классификаций). Статья 2 // Термин и слово: Межвуз. сборник ГГУ, 1979. - С. 120-129.
12. Пешковский А.М. Русский синтаксис в научном освещении. 7-е изд. – Москва: Учпедгиз, 1956. –С. 512.
13. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Бокиева Г. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент: Фан ва технологиялар, 2010. 391-б.
14. Турниёзов Н. Ўзбек дериватологиясининг бугунги аҳволи ва истиқбол тараққиёти ҳақида//Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари. – Самарқанд: 2009. 3-6-б.
15. Турсунов У., Мухторов А., Рахматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. -Тошкент: “Ўзбекистон”, 1992. 400-б.
16. Фортунатов Ф.Ф. Сравнительное языковедение // Избранные труды / Отв. ред. М.Н.Петерсон. т.1. -М: Учпедгиз, 1956. - С. 23-191.
17. Шахматов А.А. Из трудов по современному русскому языку (учение о частях речи) Текст. / А.А. Шахматов. -М.: Учпедгиз, 1952. -С. 132-135.

РЕЗЮМЕ. Мақолада сўз бирикмалари назарияси шаклланишининг тарихи ва сўз бирикмаларининг умумназарий муаммоларини тадқиқ этиш соҳасида ечимини қутаётган муаммолар ҳақида фикр юритилади. Сўз бирикмаси тизимини мукамал ўрганиш ҳаракатлари ўтган асрнинг ўрталарида янада жадаллашиб, ушбу тизим бирлигини сўз ҳосил қилувчи морфосинтактик, синтагматик, семантик омилларни тавсифлаш ва сўз бирикмаларини бошқа лисоний бирликлардан фарқлаш ҳамда таснифлаш борасида қатор изланишлар олиб борилди. Изланишлар натижасида эришилган ҳулосалар сўз бирикмаси тизими ҳақидаги таълимотнинг назарий тус олишига туртки берди.

РЕЗЮМЕ. В статье отражена история становления теории словосочетаний и проблемы, ожидающие решения в области исследования общетеоретических проблем словосочетаний. В середине прошлого века активизировались усилия по изучению системы словосочетаний, и был проведен ряд исследований по описанию морфосинтаксических, синтагматических, семантических факторов, входящих в состав слов этой системной единицы, по выделению и классификации словосочетаний, сочетания других языковых единиц. Выводы, сделанные в результате исследования, дали толчок развитию теории системы словосочетаний.

SUMMARY. The article reflects on the history of the formation of the theory of word combinations and the problems awaiting solution in the field of researching general theoretical problems of word combinations. In the middle of the last century, efforts to study the system of word combinations intensified, and a number of researches were carried out to describe the morphosyntactic, syntagmatic, semantic factors that make up words of this system unit, and to distinguish and classify word combinations from other linguistic units. The conclusions reached as a result of the research gave impetus to the theory of the word combination system.

THE PROBLEM OF DISCOURSE IN LINGUISTICS
G.B.Joldasova – Doctor of Philosophy in Pedagogical Sciences
Karakalpak State University named after Berdakh
G.A.Klishbekova – Master student
Nukus State Pedagogical Institute named after Ajiniyaz

Таянч сўзлар: тил, тилшунослик, интеграл матнлар тўплами, тилнинг таърифлари, нутқ, тилнинг элементлари.

Ключевые слова: дискурс, лингвистика, интегративная совокупность текстов, дефиниции дискурса, речь, элементы дискурса.

Key words: discourse, linguistics, integrative set of texts, definitions of discourse, speech, elements of discourse.

The concept of "discourse" appeared in connection with the expansion of linguistic research beyond the sentence - in the sphere of superphrasal syntax. Therefore, a discourse from a linguistic point of view is a set consisting of a logical chain of sentences that are in a semantic connection.

Let's consider the concept of "discourse" in linguistics. Speech activity interests not only modern linguistics, but also related areas of knowledge, primarily psychology, sociology, and cultural studies. Many linguistic, pragmalinguistic, psycholinguistic, sociolinguistic, and linguoculturological terms are interpreted ambiguously. Undoubtedly, such a concept as discourse belongs to them. Different linguistic dictionaries give different definitions of the word "discourse". According to the linguistic encyclopedia, "discourse" is a coherent text in combination with extralinguistic, pragmatic, socio-cultural, psychological and other factors; a text taken in the event aspect; speech considered as a purposeful social action, as a component involved in the interaction of people and the mechanisms of their consciousness (cognitive processes). A discourse is a speech that is immersed in life. That is why "discourse", unlike "text", is not applicable to ancient and other texts that do not have a direct connection with living life [8:105]. In the dictionary of linguistic terms edited by T.V.Zherbilo, we see the following definition: "discourse" is an integrative set of texts connected by semantic relations and united in a communicative and functional - goal relation [9: 89]. In the dictionary edited by V.Y.Mikhailchenko, we find the following definition: "discourse" is a logically constructed text in conjunction with a socio - cultural context (psychological, cultural, pragmatic social); speech as a component that participates in the relationship of people. If the socio-cultural context in which a text was

created and existed is lost, then the term "discourse" cannot be applied to it, since the meaning of the discourse is not isolated. The definition of discourse is also of interest to many scientists in the sociolinguistic aspect, since the discourse structure of the text is closely related to social factors. For example, studies of political discourse by French linguists can be included to a certain extent in sociolinguistic discourse, since all of them affect the social context, in the extra-linguistic situation in which a particular text was created. It is taking into account the social conditionality of discourse that brings the study of these texts closer to social linguistics. An important aspect of the theory of discourse is the development of typical situations (frames) of language communication [10:213].

In the explanatory dictionary of translation studies, we find the following definitions of discourse:

An **arbitrary text fragment** consisting of more than one sentence or an independent part of a sentence. Often, but not always, it concentrates around a certain reference concept; it creates a general context describing actors, objects, circumstances, times, actions, etc., being determined not so much by the sequence of sentences as by the world that is common to the creator of the discourse and its interpreter, which is "built" in the course of the development of the discourse - this is the point of view "ethnographies of speech". The initial structure for the discourse has

A type of sequence of elementary propositions connected by logical relations of conjunctions, disjunctions, etc. Elements of the discourse: the events described, their participants, performative information and "non-events", i.e. a) circumstances accompanying the events; b) background explaining the events; c) assessment of the